
Данғара туманида 400 нафардан зиёд фуқароларга ифторлик дастурхони ёзилди.

Муҳтожларга меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш халқимизга хос фазилатдир. Бундай эзгу амаллар айниқса, моҳи рамазонда янада кенг қулоч ёймоқда.

Туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ифторлик дастурхонига маҳаллалардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда ногиронлиги бор фуқаролар, нуронийлар, маҳалла тизими мутасаддилари, жамоат ташкилотлари масъуллари таклиф этилди.

Имом хатиблар томонидан инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни, инсонийликни, фарзандлар тарбияси ва илм эгаллаш, бу борада ота-она масъулиятига бағишланган маърузалар қилинди. Ифторлик дастурхони атрофидаги жам бўлган кишилар муборак рамазон ойининг меҳр саховат улашишга сабаб бўлаётганига шукроналар келтирдилар. Юртимиз тинчлиги ва равнақини сўраб дуолар қилдилар.

2024-03-26 18:02:04